515

*Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги*
*Ўзбекистон давлат консерваторияси*

# КУРС ИШИ

**Мавзу:** Ҳавасқор ижрочи Сотиболдиева Шарофатхоннинг ҳаёти ва ижоди.


***Бажарди**: Анаъанавий ижрочилик бўлими II-курс талабаси* Тагайкулова Ж.И.

***Илмий раҳбар:*** Мамажонов У.


***Тошкент-2009***

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, юртимизда турли соҳаларда талайгина ўзгаришлар рўй берди. Шулар жумласидан, миллий мусиқа санъати билан боғлиқ қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналар ва маросимларимиз ҳам қайтадан жонланди. Мусиқа мероси серқирра ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса унинг фольклор қатлами жуда бой меросга эга. Мусиқий фольклор атамаси XIX-асрда Европада пайдо бўлган. Фольклор инглизча сўз бўлиб, 2 сўз бирикмасидан ҳосил бўлган: Фольк - халқ, лор - билим, яъни фольклор атамаси халқ ҳақида билим деган маънони англатади. Фольклор намуналари жонли оғзаки ижро шароитида яратилади, тарқалади, ривожланади. Халқ мусиқаси ва мусиқий фольклор тушунчалари ўзаро маънодошлар. Ўзбек мусиқашунослигида мусиқа 2 асосий йўналиш бўйича ривожланади. 1. Халқ ижоди (Фольклор) 2. Касбий даражадаги мусиқа. Шунинг натижасида ҳар иккала мусиқий қатламни ўрганувчи фанлар юзага келган. Ўзбек мусиқа меросининг барча намуналари бизгача оғзаки тарзда, яъни нота ёзувларисиз етиб келган.

Ўзбек халқ мусиқа меросини ўрганиш ҳар бир мусиқа ижрочисини, яъни кенг

маънода олиб қаралганда ҳар бир санъаткорнинг вазифасидир.
Биз ҳам бу вазифага амал қилган ҳолда мустақил равишда фольклор амалиётини ўтадик. Шахсан мен амалий тарзда шундай бой меросимизни ҳозирги кунда давом эттириб келаётган ҳаваскор ижрочи Бухоро вилояти Когон шаҳрида яшовчи Шарофатхон ая билан суҳбат ўтказдим. Суҳбат чоғида Шарофатхон аянинг бир қатор қўшиқларини тинглаб, магнит тасмасига ёзиб олдим. Сотиболдиева Шарофатхон ая 1966 йил Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида туғилган. Ёшлигидан фольклор қўшиқларга қизиқиши баланд бўлган Онаси Муяссархон аядан ёр-ёр, лапар, келин салом қўшиқларини ўрганган. Мактабда ўқиб юрган кезларида кўрик танловлар ва турли тадбирларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган. 10-11 йилларида оилалари билан Тожикистон республикаси Қўрғонтепа вилоятига кўчиб кетишган.
У ерда ҳам мактабдаги дугоналаридан, қўни-қўшнилардан тожик халқ қўшиқларини ўрганган. Мактабни битиргач Педагогика билим юртида ўқиб юрган пайтларида бир неча қизлар билан биргаликда „Гулола“ фольклор этнографик ансамбль тузадилар.

19 ёшларида турмушга чиқиб, қайноналари асли Бухоролик бўлганлари учун, 1993 йил Бухорога кўчиб келадилар. Ҳозирги кунда Шарофатхон ая беш нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, невараларининг суюкли бувижониси. Шунга қарамасдан Шарофатхон ая ижодини давом эттириб келмоқда. Маҳаллада бўлиб ўтадиган барча тадбирлар, тўйлар, „Навруз" байрами, сумалак сайилларида доира чалиб, лапарлар куйлаб барчани хушнуд этади. Аянинг репертуарида „Ёр-ёр", „Келин салом", термалар, тожик халқ қўшиқларидан „Дашти калон" ва шунга ўхшаш қўшиқлар мавжуд. Булардан айниқса „Ёр-ёр"ни куйлаши ҳаммага бирдек ёқади. Шарофатхон аянинг шогирдлари ҳам талайгина. Қизлари Фотима ва Зуҳралар ҳам оналари изидан бормоқдалар.

Мен Шарофатхон ая репертуаридан „Ёр-ёр", „Келин салом" ва терма қўшиқни нотага туширдим.

„Ёр-ёр" қўшиғи келинни куёвникига узатиб бориш маросимида аёллар томонидан ижро этилади. Уни айтишнинг вазияти эса қизнинг ота уйи, яқин қариндош-уруғлари, оила аъзолари билан хайрлашувидан бошланиб, то куёв хонадонига етгунча қадар давом этади. Гарчанд ёр-ёрни келин куйламасада, бироқ аслида бу айтим унинг ушбу маросимга бевосита даҳлдордир.

Унинг мазмунида аёллар келинни овутган бўлишиб (Йиғлама қиз, тўйи сеники, остонаси тиллодан, уй сеники), панд-насиҳатлар қилишади, қизнинг отасига „тачна" сўзлари ҳам айтган бўлишади (Ўз қизини танишмай, сотган отам ёр-ёр) ва ҳоказо. Аммо ёр-ёрнинг фавқулотда таъсирлиг эканлиги уларда бир вақтнинг ўзида икки турли ҳолат ҳам – мунгли йиғи, ҳам байрамона шодиёналик кайфиятлари мужассам этилганлиги билан тавсифланади. Йиғининг бадиий ифодаси айтим куй-оҳангларида, оммавий шодиёналик ҳолати эса доира усулида зуҳур бўлади.

Никоҳ тўйи маросимида анъанавий ижро этиб келинадиган қўшиқлардан яна бири „Келин салом" дир. Ушбу қўшиқни айтиш вазияти келинни куёв хонадонига қадам қўйиши билан юзага келиб, бунда куёвнинг ота-онасига, қариндош уруғларига ва қўни-қўшниларига келин номидан маъмури куй-оҳангларида салом айтиб турилади, келин эса эгилиш орқали саломини билдириб туради. Келин саломларда ҳазил-мутойибали, гоҳо пайровли сўз-ибораларга бой шеърий бандлар қўллаииб, ҳар бир банд „салом" айтиш билан якунланиб туради. Куй нуқтаи назаридан қаралганда мунгли учлик (III-II-I) оҳангига асос бўлганлиги маълум бўлади.

Терма – айтимнинг бир тури бўлиб, луғавий жиҳатдан „йиғмоқ", „танламоқ",

„саралаб олмоқ" маъноларини англатади. Термалар икки асосий: 1. Бахши ва 2. Халқ термалари кўринишида бўлади. Бахшилар термаси одатда бирон-бир достон ижросидан олдин дўмбра чолғуси жўрсозлигида куйланади. Ритм-ўлчовлари муайян турғунликка эга эмас.

Халқ орасида кенг ёйилган термаларнинг ижрочиларини термачи ёки термакаш деб аташади. Бу термаларда кўпинча турли мавзулар (панд-насиҳат, севги, шахсий ҳаёт йўли ва бошқалар) шеърий туркумларда бир-бирига уланиб ёки „қоришиб" келади. Бу терма айтишларида ритм-ўлчовлари муҳим тартибда уюшади, сўзлари оҳанглари куйчанлик хусусиятларига йўғрилади ҳамда доира жўрсозлигида куйланади.

Мана бир неча йиллардан буён, хонандаларимиз яна ўзимизнинг фольклор кўринишларимизга ўзгача сайқал бериб, янада бойитиб, замонавий усулда куйлашмоқда. Фольклор этнографик ансамбллар ижод қилиб келмоқда. Ҳар бир вилоят урф-одат, анъаналарини куйлаб келувчи, фольклор этнографик ансамбллар мавжуд. „Зилол", „Бойсун", „Бухорча", „Нозанин", „Чироқчи чироқлари" шулар жумласидандир. Ҳар йили ўтказиб келинаётган „Бойсун баҳори" фольклор-этнографик ансамбллар кўрик танлови, нафақат юртдошларимизни, балки чет эл вакилларини

ҳам бефарқ қолдирмайди. Бу эса фольклор санъатимиз бой, серқирра эканлигидан далолатдир. Мен фольклор санъатини дунёга танитишда ўзининг улкан ҳиссасини қўшган Тамарахоним, Раҳимахон ая, Гавҳархоним Раҳимова, Тофа Пинхасова, Олияхоним, Инобат Жониева, Шоҳиста Тарниевалар каби бошқа мусиқа санъати фидойилари етишиб чиқишини истайман ва бу йўлда келажакда ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.



# Кемин салом.


Ав- вал бош-дан ай-тай-мик
бўл-са қай-тай-мик э-шит-ма-дим де-май-лар
ке-мин са-лом-ни бош-лай-мик си-гир соғ-сам сут-ли бўл-син
ке-мин-чак са-лом-ла-рим кут-луғ бўл-син ке-мин-чак
бахт-ли бўл-син ке-мин-чак ав-вал бош-дан
чўй-хо-нанг-га бир са-лом бир са-лом ик-ки са-лом
Чўй-хо-нанг-га уч са-лом. Ку-руқ ер-ни нам қил-ган
ик-ки ёш-ни бир қил-ган са-лом са-лом ёр - ёр
ке-мин са-лом ёр - ёр қа-бул ай-лаш ав-вал ху-до-йим
сиз-га са-лом ёр - ёр.